

Сийрат дарслари (155-дарс). Бисмиллаҳи аввалаҳу ва охираҳу



18:00 / 08.10.2021 2525

569. Ҳузайфа ибн Ямон розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга таомда ҳозир бўлсак, то Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бошламасларидан олдин қўл узатмас эдик. Биз бир марта у зот билан бирга таомга ҳозир бўлдик. Шунда бир жория худди уни биров қуваётгандек шошилиб келди ва таомга қўлини узата бошлади. Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам уни қўлидан тутдилар. Сўнгра бир аъробий худди уни биров қуваётгандек, шошилиб келди. Шунда у зот уни ҳам қўлидан тутдилар ва: **«Албатта, шайтон Аллоҳнинг исми зикр қилинмаган таомни ўзига ҳалол ҳисоблайди. У мана бу жорияни у туфайли ўзига ҳалол қилиб олиш учун келтирди. Шунда мен унинг қўлидан тутдим. Сўнг мана бу аъробийни у туфайли ўзига ҳалол қилиб олиш учун келтирди. Шунда мен унинг ҳам қўлидан тутдим. Жоним қўлида бўлган Зот билан қасамки, албатта, унинг (шайтоннинг) қўли жориянинг қўли билан менинг қўлимга тушди»**, дедилар».

Муслим ривоят қилган.

570. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Бирортангиз таом еса, Аллоҳнинг исмини зикр қилсин. Агар аввалида Аллоҳнинг исмини зикр қилишни унутиб қўйса, «Бисмиллаҳи аввалаҳу ва охираҳу» десин»,** дедилар».

Абу Довуд, Термизий, Ибн Можа, Ибн Ҳиббон ва Ҳоким ривоят қилишган.

571. Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шундай деяётганларини эшитибди: **«Ўз уйига кираётган киши кириш пайтида ва таоми пайтида Аллоҳни зикр қилса, шайтон: «Сизларга ётоқ ҳам йўқ, кечки таом ҳам йўқ», дейди. У уйига кирсаю, кириш пайтида Аллоҳни зикр қилмаса, шайтон: «Ётоққа эга бўлдингиз», дейди. Агар таоми пайтида Аллоҳни зикр қилмаса, «Ҳам ётоққа, ҳам кечки таомга эга бўлдингиз», дейди».**

Муслим ривоят қилган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан